



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 23-yanvar • Shanba • 10 (30.130) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLII MAJLISI SENATINING A'ZOLARINI TAYINLASH TUG'RISIDA

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 50-моддасига мувофиқ куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари этиб тайинлансин:

Фармонов Александр Қосимович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директори

Санакулов Қувондик — «Навой кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори

Тян Валерий Николаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконпанияси бош директори

Турсунбоев Йўлчибой Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси

Мухамедов Фахридун Исроилович — Ўзбекистон Миллий университети ректори

Ртвеладзе Эдвард Васильевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти бўлими мудири

Ақбарова Фарида Шорахимова — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси

Аҳмедов Анвар Акмалович — «Маҳалла» жамғармаси раиси

Солихов Шавакат Исмоилов — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

Усмонов Мираброр Зуфарович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг доимий асосда ишловчи аъзоси

Боқибоев Эркин Жўраевич — Фарийларни қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси марказий кенгаши раиси

Сафоев Содиқ Солихович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси

Раҳмонқулов Мирақбар Ҳожиакбарович — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котибининг биринчи ўринбосари

Ортиқова Светлана Боймирзаевна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қонунчиликни ҳуқуқий тарғибот бўлими бошлиғи

Мирзаалиев Иқболжон Мирзақаримович (Иқбол Мирзо) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрвич — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 январь

И.КАРИМОВ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLII MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING QARORI

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикерини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошмухамедова Дилором Гофуржоновна Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси раиси

М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 январь.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLII MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING QARORI

Б.С.Ёқубовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ёқубов Бахтиёр Султонназирович Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси раиси

М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 январь.

2-бет >>>

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLII MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING BIRINCHI MAJLISI TUG'RISIDA AXBOROT

Тошкент шаҳрида 22 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчиликка мувофиқ мажлиси Марказий сайлов комиссиясининг раиси М.Абдусаломов очди. У Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисида ахборот берди, янги сайланган депутатларни табриклаб, мажлисининг кун тартибини тасдиқлаш таклифини киритди.

Кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи мажлисининг муваққат котибияти-

ни, шунингдек, электрон овоз бериш тизимидан фойдаланишни назорат қилувчи муваққат гуруҳни сайладилар.

Марказий сайлов комиссияси раисининг таклифига кўра ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун

Оқсоқоллар кенгашини тuzдилар.

Оқсоқоллар кенгаши ўз мажлисини ўтказиши учун эълон қилинган танаффусдан сўнг Марказий сайлов комиссиясининг раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери лавозимига номзод бўйича Оқсоқоллар кенгашининг таклифини ўқиб эшиттирди. Депутатлар яширин овоз бериш орқали Дилором Тошмухамедовани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери этиб сайладилар.

2-бет >>>

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIIY SAYLOV KOMISSIYASINING QARORI

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисини чақириб тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 2010 йил 25-26 январь кунлари Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биринчи мажлисининг кун тартибига Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталарини шакллантириш ва уларнинг раисларини сайлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни киритиш таклиф этилсин.

3. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
раиси
М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 январь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биринчи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 2010 йил 26 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносидида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мажлисига келган Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносидида 2010 йил 25 январьда соат 9.00 дан 18.00 га қадар рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси



Парламент қуёи палатасига партиямиздан сайланган депутатларнинг йиғилиши ўтказилди. Йиғилишни ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, 86-Чирчиқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Фуломов олиб борди.

Дастлаб Марказий сайлов комиссияси вакили Ойбек Соатов депутатларга депутатлик гвуоҳномалари ва нишонларини топширди.

— Партиямиз Сайловолди платформасида илгари сурилган гоялар, белгиланган вазифаларни амалга ошириш зиммаамизга катта масъулият юклайди, — деди Латиф Фуломов. — Биз қўшимча иш ўринлари яратадиган корхоналарга молиявий имтиёзлар ҳамда бошқа енгилликлар берилишига эри-

Янги таркиб, янги куч билан

партиямиз Сайловолди дастурида илгари сурилган гояларни амалга ошириш учун курашамиз, дея яқдиллик билан таъкидлашди Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар

Йиғилишда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Депутатлар Қонунчилик палатасида 32 нафар депутатдан иборат Ўзбекистон ХДП фракциясини ташкил этиш тўғрисида қарор қилдилар. 52-Булунгур сайлов округидан депутат, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улугбек Вафоев фракция раҳбари этиб сайланди. Шундан сўнг фракция аъзолари ўзларининг олдида турган муҳим масалалар, асосий вазифалар ҳақида сўз юритдилар.

биш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, шу жумладан касаначилик асосидаги механизмларни ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг норматив асосини ташкил этадиган давлат қарорларининг жойларда аниқ ижро этилиши юзасидан давлат бошқаруви маҳаллий органлари ходимлари масъулиятини ошириш мақсадида «Қонунлар ва бошқа давлат қарорлари ижросининг жамоатчилик мониторинг-

и тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳам дастурий мақсадларимиз ижроси учун муҳимдир.

Умуман олганда, олдимизда катта ишлар, зиммаамизда улкан масъулият турибди. Партиямиздан сайланган депутатларнинг ушбу вазифаларни амалга оширишга салоҳияти, билим ва тажрибалари етишига ишонаман.

2-бет >>>

ЎРМОНЗОРЛАР —
ТАБИАТНИНГ
ЮКСАК
ИНЪОМИ

3

АВВАЛО
ЎЗИНГИ
АНГЛА

4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

Термизда «БАХТ УЙИ»
қурилмоқда

Уч қаватли кўркэм бинони «Термизсантехгазмон-таж» хусусий корхонаси жамоаси бунёд этмоқда. 2 миллиард 300 миллион сўмдан ортқ маблағ сарфланиши мўлжалланаётган ўзига хос қошона шу йили фойдаланишга топширилади. Шарқ меъморчилиги услубида қад ростлаётган бу мухташам бино шубҳасиз воҳа ёшларининг сеvimли масканига айланади ҳамда шаҳар чиройига чирой қўшади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING QARORI

У.Н.Вафоевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. Вафоев Улуғбек Назарович Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри, 2010 йил 22 январь.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING QARORI

У.Н.Муҳаммадиевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. Муҳаммадиев Улуғбек Насриддинович Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри, 2010 йил 22 январь.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING QARORI

И.Саифназаровни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. Саифназаров Исмоил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри, 2010 йил 22 январь.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING QARORI

Б.Б.Алихоновни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. Алихонов Борий Ботирович Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри, 2010 йил 22 январь.

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

Келажакка масъуллик

Қорақалпоғистонда 27 минг ЎзХДП аъзосининг 7000 га яқинини ёшлар ташкил этади. 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб номлангани бизнинг зиммамизга ҳам улкан масъулият юклади. Мазкур йилдан кўзланган мақсадларни амалга оширишда ўзига хос ўрнимиз, иштирокимиз бўлиши зарур, деб ўйлайман. Шу муносабат билан «Истиқбол» ёшлар қаноти партияимизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, талбирлар режасини белгилади. Асосий йўналишларимиз тенгдошларимизда фаол фуқаролик позициясини, атрофдаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш масалаларини қамраб олган.

Ёшларнинг сиёсий-хуқуқий савиясини ошириш мақсадида 2008 йилдан бошлаб анъанавий тарзда «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Бу кўрик-танлов орқали партия сафига кўлаб ёшлар қабул қилиниб, иқтидорлилари партия ташкилотларига ишга олинмоқда, сайланма органлар аъзолигига сайланмоқда. Юртимизнинг ижтимоий турмушига боғлиқ янгилликларга оид турли учрашувлар, семинар-тренинглари ташкил этилмоқда. Ёшлар қаноти хайрли ишларни давом эттирган ҳолда, Хужайли туманидаги Меҳрибонлик уйи

тарбияланувчилари орасида бўлиб, болаларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишиди. Тарбияланувчилар билан ака-ука, опа-сингил тутунишиб, улар билан узлуksиз учрашиб турадиган бўлиши. Ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган ишлар давлатимиз сиёсатининг узвий қисмини ташкил этади. Бу йил бу борадаги ишлар янада такомиллашади, деб ишонаман. Зеро, эртанги кунимиз янада фаровон бўлиши маънан ва жисмонан етук авлодга боғлиқ. Шу маънода, улуг мақсадларга эришиш, янги жаҳмият, фаровон турмуш куриш, муносиб, гўзал ҳаёт барпо этиш ҳар биримиздан келажакка масъулликни талаб этади. Зеро, баркамол авлод тараққиёт пойдеворидир. Гулмира УЗАҚБЕРГЕНОВА, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING BIRINCHI MAJLISI TUGRISIDA

АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатлар Оқсоқоллар кенгаши томонидан тақлиф этилган ҳар бир номзод учун овоз бердилар ва Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг раҳбари Улуғбек Вафоевни, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг раҳбари Улуғбек Муҳаммадиевни, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг раҳбари Исмоил Саифназаровни, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи раҳбари Борий Алихоновни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари этиб сайладилар. Қонунчилик палатаси, шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур мажлис арафасида сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг таъсис йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи тузилди ҳамда уларнинг раҳбарлари сайланди. Мажлисида парламент кўйи палатасининг тегишли кўмиталарини тузиш тўғрисида, шунингдек, Қонунчилик палатаси кўмиталари раислари лавозимига номзодлар бўйича қарорлар қабул қилинди, депутатлар мазкур кўмиталар сони ва номларини тасдиқладилар. Депутатлар тегишли кўмиталарнинг раисларини сайладилар. Қўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари қабул қилинди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўз ишини якунлади.

Мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига 2010 йил 20-22 январь кунлари бўлиб ўтган сайлов натижалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган 84 нафар аъзо рўйхатга олинди. Марказий сайлов комиссияси мажлисида таъкидланганидек, ҳокимият вакиллик органлари депутатларнинг Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш бўйича кўшма мажлислари сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтди. Яширин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан — Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги низомига мувофиқ, Сенат аъзолигига номзодлар маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жаҳмият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган енг обрўли депутатлари орасидан Оқсоқоллар кенгашлари томонидан кўрсатилди.

Марказий сайлов комиссиясида

22 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.

Мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига 2010 йил 20-22 январь кунлари бўлиб ўтган сайлов натижалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган 84 нафар аъзо рўйхатга олинди. Марказий сайлов комиссияси мажлисида таъкидланганидек, ҳокимият вакиллик органлари депутатларнинг Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш бўйича кўшма мажлислари сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтди. Яширин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан — Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги низомига мувофиқ, Сенат аъзолигига номзодлар маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жаҳмият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган енг обрўли депутатлари орасидан Оқсоқоллар кенгашлари томонидан кўрсатилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига 2010 йил 20-22 январь кунлари бўлиб ўтган сайлов натижалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган 84 нафар аъзо рўйхатга олинди. Марказий сайлов комиссияси мажлисида таъкидланганидек, ҳокимият вакиллик органлари депутатларнинг Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш бўйича кўшма мажлислари сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтди. Яширин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан — Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги низомига мувофиқ, Сенат аъзолигига номзодлар маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жаҳмият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган енг обрўли депутатлари орасидан Оқсоқоллар кенгашлари томонидан кўрсатилди.

Янги таркиб, янги куч билан

партиямиз Дастури ва Сайловолди дастурида илгари сурилган гояларни амалга ошириш учун курашамиз, дея яқдиллик билан таъкидлашди Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар



Нурдинжон ИСМОИЛОВ, 46-Учқўрғон сайлов округидан депутат:

— Аввало, ҳар биримизга сайловчилар томонидан юксак ишонч билдирилганини таъкидламоқчиман. Сиёсий партиялар ўртасида ҳар доимгидан кўра кучли кураш жараёнидан ўтиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати деган шарафли номга муяссар бўлдик. Энди янада катта куч-ғайрат билан ижтимоий муҳофазатга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилишимиз талаб этилади. Сайлов одамларнинг онги, дунёқарши, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ошгани, фуқаролик позицияси кучайиб бораётганини яна бир бор кўрсатди. Демак, бизнинг фаолиятимизга ҳам талаб бoшқача бўлади.

Электоратимиз олдида ўзига хос масъулиятни зиммамизга олганмиз. Уни ўз-ўзимдан алоҳида фаоллик, жонкуярлик, фидойилик талаб этилади. Бунинг учун ҳар биримиздан алоҳида фаоллик, жонкуярлик, фидойилик талаб этилади. Бундан ташқари, ўтган муддатда фаолият кўрсатган фракцияимизнинг ишини танқидий баҳолаб, тегишли хулосалар чиқариб олишимиз зарур. Қонун билан берилган депутатлик ваколатларимиздан самарали фойдалансакки кўзланган мақсадимизга эришишимиз мумкин.

Абдуманноб РАҲИМОВ, 20-Чинобод сайлов округидан депутат:



— Навбатдаги парламент сайловида тайёргарлик бугундан бошланди, деган эди Президентимиз 2005 йил январда бўлиб ўтган Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида. Ўтган давр бунинг нақадар тўғри таъкидланганини кўрсатди. Демак, навбатдаги сайловга тайёргарлик бошланди. Одамлар бизнинг ҳаракатимизга қараб кейинги сайловда номзодларимизга овоз беришини ёддан чиқармайлик. Фракцияимиз фаолиятини самарали ташкил этиш учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Ўтган чақирикда фаолият кўрсатган фракцияимиз ўзининг жипсллиги, аҳиллиги, ўз позициясини қатъият билан ҳимоя қила олиши билан ажралиб туради. Бугун ташкил этган янги таркибдаги фракцияимиз ҳам ташаббускорликда ўрнатилган кўрсатишига аминман.



Назира МАТЯКУБОВА, 4-Амударё сайлов округидан депутат:

— Мамлакатимиз, халқимиз тақдирига таъсир кўрсатадиган, уни янада тараққий эттиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилишда иштирок этиш барчамиз учун шарафли, албатта. Бўлиб ўтган сайловларда кишилар сайловолди дастуриимизни кўлаб-қувватлаб, бизга овоз беришди. Кўтарётган масалаларимизнинг қонуний ечимларини топишимизга ишонимомқда. Бундан ташқари, бошқа айрим масалаларни ҳам ўртага ташлашди. Шундай экан, шакланган янги таркиб — янги куч билан партияимиз Дастури, Сайловолди дастурида илгари сурилган гояларни амалга ошириш учун астойдил курашиш талаб этилади.

Маждидхон УСМОНОВ, 57-Оқдарё сайлов округидан депутат:



— Аввалги фракцияимизда сайловчилар билан ишлаш тажрибаси жуда яхши шакланган эди. Уни албатта давом эттиришимиз ва янада ривожлантиришимиз талаб этилади. Чунки, сайловчилар депутатга янги куч-ғайрат бағишлайди. Энг муҳими, сайловчи билан доимий мулоқот электоратимиз манфаатига оид масалаларни қонунларда акс эттиришга қаратилган ҳаракатларимизни кучайтиришга хизмат қиладди. Қолаверса, партия ташкилотлари билан ҳам доимий ҳамкорликда ишлашимиз, бошланғич ташкилотлар, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ишини кучайтиришда уларга ёрдам беришимиз зарур...

Йиғилишда фракция фаолиятини самарали ташкил этиш билан боғлиқ яна кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди. Улар асосида фракциянинг ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Беҳод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири, Абдिवоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Бу борада дунё олимларининг маълумотларига тўхталадиган бўлсак, уларнинг фикрича, довдарахтлар тирикчилигининг асосий манбаи ҳисобланган кислороднинг 60 фоизини ишлаб чиқарар экан. Бундан ташқари ҳар хил манзарали ва мевали дарахтлардан иборат ўрмонзорларимиз битмас-туганмас хомашё ва озуқа манбаи ҳамдир.

Шу боисдан ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги мавжуд ўрмонзорларимизни асраб-авайлаш ва даракт навлари хилма-хиллигини кўпайтириш ҳамда уларни янада кенгайтириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилиб келинаётгани таҳсинга сазовордир.

Самарқанд вилоятидаги Марказий давлат ўрмон хўжалигига қарашли ўрмонзорларда ҳам манзарали ва мевали дарахт навларини кўпайтириш ҳамда вилоят ҳудудидаги ерларни кўкаламзорлаштириш борасида кен камровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

— Виллоятимиз бўйича жами ўрмон фонди ерлари 30 минг 44

Ўрмонзорлар — табиатнинг юксак инъоми



гектар бўлиб, яшиллик билан қопланган майдон эса 11 минг 576 гектарга тўғри келади. Жумладан, ўрмончилигимиз олдида турган энг асосий вазибалардан бири — маҳсулдор ўрмонлар барпо этиш ҳамда даракт таркиблари ва сифатини янада яхшилаш, худудимиздаги мавжуд табиий ҳамда маданий ўрмонзорларни келажак авлодларга бус-бутунлигича керак бўлса, кўплаб ноёб турдаги даракт навларини кўпайтириш ҳамда етказишдан иборатдир, — дейди ўрмон хўжалиги бош директори Хусан Абдуллаев. — Жамоамиз томонидан чул, тоғ ва тоғ олди яйловлари ҳола-

тини яхшилаш, уни бойитиш, ўрмонзорларнинг табиий тикланишига кўмаклашиш, кўчкларни мустаҳкамлаш, тоғ ён-бағирларида эрозияга қарши арча, бодом ва бошқа турдаги турли хил кўри-нишдаги дарактларни экиш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ўтган йили режада белгиланган 185 гектар ўрнига 190 гектар атрофида маданий ўрмонзорлар барпо этилди.

Шунингдек, ўрмонзорларни парваришлаш, суғориш тармоқларини таъмирлаш, ўрмон ёнғинлари, касалликлари ҳамда зараркуналдаларига қарши курашиш ишлари ҳам олиб берилмоқда.

Шунингдек, бу борада уруғчилик ишлари сифатини яхшилаш ва уларни кўчатхоналарда етиштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам 2009 йилда ҳўжаликда режадаги 4 миллион 390 минг ўрнига 6 миллион 619 минг дона кўчат етиштирилди. Улардан нина баргли навли кўчатлар 714 минг, ноёб ҳамда бутасимонли навлар 84 минг, мевали ва ёнғоқли кўчатлар эса 523 мингга ҳамда тез ўсувчи тирак кўчатлари 5 миллион 612 минг дона ташкил этди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, япон сафораси ва каштан даракти кўчатларини кўпайтириш тўғрисидаги қарориди ўрмончилик борасида аниқ вазибалар белгилаб берилганди. Бунга мувофиқ хўжалик жамоаси япон сафораси ва каштан даракти кўчатларини кўчатхоналарда кўпайтириш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борди. Натига-лай, ўтган йили вилоят бўйича 147 минг дона япон сафораси ва 17,5 минг дона каштан кўчатлари етиштирилди.

Хўжаликда вилоят бўйича 500 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Бугун хўжаликда етиштирилаётган ноёб турдаги кўчатлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларига ўзгача кўрк бағишлаб турибди, атроф-муҳит мусавфолигига хизмат қилмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ



Агар ракеталар жойлаштирилса флот қайта қурулантирилади

Польша мудофаа вазири Богдан Клих яқинда баёнот бердики, Россия чегарасига яқин Моронг ҳудудида (Калининграддан 100 километр нарида) Американинг ракета ҳужумига қарши мудофаа тизимига кирувчи «Patriot» зенит-ракета комплекси жойлаштирилди. Вазирнинг тушунтиришича, комплекснинг жойлаштирилишига сабаб кўпчилик ўйлаётганидек стратегик характердаги мақсадни амалга ошириш эмас, балки у ердаги Америка ҳарбийлари учун мақбул шарт яратиш ва ускуналарнинг техник шартини яхшилашдир. Ушбу комплекс апрель ойида келтирилади, дея хабар беради «Ведомости» нашри.

Маълумки, Польша ҳудудида Американинг зенит-ракета комплексини ва «GBI» ракеталарини жойлаштириш масаласи юза-

сидан бундан бир неча йил аввал, яъни Жорж Буш президентлиги даврида Польша — Америка келишуви имзоланган. Бироқ ўтган йил сентябрда АҚШ президенти Барак Обама Польша ҳудудида «GBI» ракеталари жойлаштирилиши бекор қилди, аммо Польша маъмурияти илтимосига кўра, «Patriot» зенитли ракета комплекси жойлаштириш масаласи ўз кучида қолдирилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, агар Американинг зенит-ракета комплекси Россия чегарасига яқин манзилларга жойлаштирилса, Россия Федерацияси харбий денгиз флоти Болтиқ денгизи флотини юқори аниқликдаги қуруллар билан қайта жихозлашга киришади. Бу ҳақда Россия Федерацияси харбий денгиз флотининг юқори мартабали вакили баёнот берди.

Хорижда

Миллий валюта қиймати

ўзгартирилиши мумкин

Эрон президенти Махмуд Аҳмадинажот баёнот беришича, ҳукумат мамлакат миллий валютаси — риал қийматини ўзгартиришни режалаштирмоқда. Унга кўра, дейилади «Associated Press» АА хабарига, «эски» риалдаги бир неча ноль рақамлари олиб ташланади. Бу чора мамлакатда пулнинг қадрсизланиши даражасини пасайтириш учун амалга оширилади.

Айни пайтда 10 минг риал 1 АҚШ доллари қийматига тенг. 1979 йили, яъни Эронда инқилоб амалга оширилиб, давлат ҳокимияти ўзгаргани пайтда миллий валютанинг 70 риали 1 долларга тенг эди.

Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг ноябрь охири ва декабрь бошида Корея Халқ Демократик Республикасида ҳам вон қийматини ўзгартириш тадбири амалга оширилган. У ерда ҳам мақсад воннинг қадрсизланиши даражасини пасайтириш эди.

Фаровонлик

Одамлар қандай яшаётганини билмоқчи бўлсанг, ўша юртнинг бозорига бор, бозорини кўр, дейди халқимиз.

ТўРТКЎЛ ДЕҲҚОН БОЗОРИ туман маркази чиройини очмоқда

Тўрткўлдаги эски бозор бугунги кун талабига жавоб бермай қолган эди. Шундан келиб чиқиб, туман ҳокимлиги ўтган йили янги бозор қуриш учун шаҳарнинг шимолий-шарқидан 2,2 гектар ер ажратди.

